

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВА САЙЁРА РУСТАМОВНА**

**ТАЛАБА ВАЛЕОЛОГИК ОНГИ РИВОЖЛАНИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on the psychological sciences**

**Мирзаева Сайёра Рустамовна**

Талаба валеологик онги ривожланишининг педагогик-психологик  
хусусиятлари.....3

**Мирзаева Сайёра Рустамовна**

Педагогико-психологические особенности развития валеологического  
сознания студента.....25

**Mirzayeva Sayyora Rustmovna**

Pedagogical psychological features of the development of valeological  
consciousness of student.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВА САЙЁРА РУСТАМОВНА**

**ТАЛАБА ВАЛЕОЛОГИК ОНГИ РИВОЖЛАНИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида №В2018.1.PhD/Psi 63 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://ziyonet.uz/>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурасулов Рустам Абдураимович  
психология фанлари доктори, доцент  
Авляев Ориф Умирович  
психология фанлари номзоди, доцент


Етакчи таъкилот:


Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» октябрь кунини соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).)


Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси).

  
Г.Б.Шоумаров  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
психол.ф.д., профессор

  
Х.А.Кадирова  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
психол.ф.н., доцент

  
В.М.Каримова  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
психол.ф.д., профессор





## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда талабаларнинг саломатлик ҳолати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши, иқтисодий ва маданий салоҳиятининг муҳим кўрсаткичи сифатида амалиётга татбиқ этилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа бюросининг “Барчага саломатлик” декларациясида ҳозирги вақтда соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва кенгроқ маънода одамларнинг умумий фаровонлик даражасини ошириш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, валеологик онгни ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга ошириляётганлиги тўғрисида таъкидланган.

Жаҳон психологиясида шахснинг саломатликка нисбатан валеологик омил сифатидаги муносабатини ўрганишнинг устуворлигини таъминлаш, замонавий инсон ҳаёт тарзининг ўзгариши ва ҳар хил касалликлар билан ҳасталанишнинг юқори даражаси сабабларини аниқлаш, инсон турмуш тарзининг ижтимоий ва психологик омилларини ўрганиш, инсонлар валеологик онгини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга шахснинг психик саломатлиги, талабаларнинг фаоллиги, саломатлик мезони, саломатлик - ижтимоий қадрият, шахснинг ўз соғлиғига муносабати қадрият сифатида тадқиқ этиш каби тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда саломатликни сақлашга алоҳида эътибор бериш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун институционал ва заҳиравий асосларни мукаммаллаштириш, мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш”нинг белгиланган муҳим самарали вазифаларини амалга ошириш учун шахснинг валеологик онгини ривожлантириш ҳаётий зарурат бўлиб ҳисобланади. Жамиятда валеологик маданиятга эга, интеллектуал, жисмонан ва психологик соғлом кадрларга зарурият мавжуд. Шахснинг валеологик маданияти тушунчаси саломатлик, уни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва муҳофаза этиш йўллари ва методларини камраб олган билимларга таянадиган ва кишиларнинг ҳаётий фаолият жараёнида хулқини идора қилувчи тизимни ифодалайди. Бу борада талаба валеологик онги ривожланишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш ва такомиллаштириш, ёшларни ўз саломатлигига муносабатини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур тадқиқот иши муайян даражада 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга



жалб этиш тўғрисида”ги 65-сон қарори, “Ўзбекистон ёшлари – 2030” концепцияси ҳамда мамлакат аҳолисини янада соғлиғини сақлашга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Валеологик онгининг ривожланиши, саломатлик ва соғлом турмуш тарзи феноменлари ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик омиллари Ф.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, З.Т.Нишонова, Э.Ф.Ғозиев, Н.С.Сафаев, Ш.Р.Самарова, М.Х.Карамян, Ш.Б.Иргашев, Д.Д.Шарипова, О.М.Мусурманова, М.Т.Таирова, Н.К.Светличная, О.Р.Жамолдинова, Э.А.Абдуганиева ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида инсоннинг ўз соғлиғига муносабати тузилиши жиҳатларини Н.П.Абаскалова, Б.Г.Ананьев, Б.С.Братусь, Д.А.Леонтьев, И.В.Дубровина, А.В.Шувалов, О.В.Хухлаева, А.В.Козлов, Э.М.Казин, В.В.Колбанов, И.И.Брехман, Э.Н.Вайнер, В.П.Казначеев, Ю.П.Лисицын, Ч.И.Торохова, Г.И.Царегородцев, Г.С.Никифоров, Р.М. Давлетшина ва бошқалар тадқиқ қилган.

Шахснинг ўз соғлиғига бўлган муносабати муаммосига психологияда у ёки бу жиҳатдан турли хил хорижий мактаблар ва йўналишлар вакиллари: З.Фрейд, К.Левин, Ж.Нюттен, Х.Хекхаузен, А.Адлер, Г.Олпорт, А.Маслоу, К.Роджерс, Ф.Феникс, В.Франкл, Э.Фромм томонидан эътибор қаратилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126-рақамли “Ўзбекистон ёшларида психологик етуқлик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга татбиқ этиш” (2017-2021 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади талаба валеологик онги ривожланишининг педагогик-психологик хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.**

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талаба валеологик онги ривожланишига таъсир этувчи психологик химоя механизмлари детерминантларини такомиллаштириш;

талабаларда зиддиятли вазиятларга нисбатан муносабат орқали соғлом турмуш тарзи шаклланишига таъсир қилувчи етакчи омилларни такомиллаштириш;

ёшларнинг ўз саломатлигига муносабатини ривожлантиришнинг психологик омилларини назарий жиҳатдан асослаш;



олиб борилган назарий-методологик таҳлил ва олинган эмпирик маълумотлар асосида талаба валеологик онгини ривожлантириш бўйича педагогик-психологик модель ва илмий услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** талаба валеологик онги ривожланишининг педагогик-психологик хусусиятларидан иборат бўлиб тадқиқотда Тошкент давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университети ҳамда Ўзбекистон оммавий коммуникациялар ва журналистика университетининг 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган 380 нафар талабалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Талаба-ёшларда валеологик онг ривожланишининг педагогик-психологик шароитлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузатиш; суҳбат; Келлерман-Плутчикнинг “Психологик ҳимоя механизмларини диагностика қилиш” сўровномаси; Ч.Осгуднинг “Семантик дифференциал” тести; С.Д.Дерябо, В.А.Ясвин томонидан ишлаб чиқилган “Саломатликка муносабат индекси”; ёшларнинг валеологик установкаларини аниқлаш учун “Низоларнинг тўрт соҳасини ўрганиш” бўйича Н.Пезешкианнинг тести; С.Ф.Батршинанинг “Соғлом турмуш тарзи” тести; корреляцион таҳлил; Стъюдентнинг t-мезони усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

талабаларнинг зиддиятли вазиятларда ўз соғлиғига муносабати ўрганилиб, “Хаёлларга берилиш” ва “Ижтимоий алоқалар” етакчилиги аниқланган ҳамда “Танага” ва “Фаолиятга йўналганлик” жиҳатлари “Низоларнинг тўрт соҳаси”ни мувофиқлаштирувчи психодиагностикалар асосида такомиллаштирилган;

талаба шахси ҳимоя механизмлари психодиагностикасида (“Проекция”, “Ўрин алмаштириш”, “Регрессия”, “Компенсация”, “Интеллектуаллаштириш”, “Рад этиш”, “Реактив шаклланиш”) сабабий омиллари валеологик онг ривожланишининг детерминанти сифатида аниқланган;

“Талаба шахсида валеологик онг ривожининг тизимли модели” рухий, жисмоний, ижтимоий саломатлик тўғрисидаги тасаввурларга ижобий муносабатларини шакллантирувчи “Соғлом талабанинг психологик тимсоли” уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабалар валеологик онгини ривожлантирувчи ёш, таълим, турмуш, оила ва жинсий ҳаётга оид психологик тренинглар шахснинг ижтимоий ва индивидуал психологик хусусиятлари (эхтирос, шахсий фазилат, ўз-ўзини бошқариш) билан интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат: тадқиқот натижаси ва ишлаб чиқилган тренинг дастури Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университети ҳамда Ўзбекистон оммавий коммуникациялар ва журналистика университетининг ўқув жараёнига жорий этилган; талаба шахсида валеологик онг ривожининг тизимли модели ишлаб чиқилган; соғломлик моделларини қўллашга асосланган педагогик-психологик тавсиялар ишлаб чиқилган; талабалар



валеологик онгининг ривожланишига хизмат қиладиган педагогик-психологик тренинг дастури ишлаб чиқилган ва қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши; олинган эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги (факторли таҳлил, корреляцион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, шахс психологияси, касб психологияси, психогигиена, талабалар касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик хусусиятлари бўйича назарий материаллар билан бойитишга хизмат қилади ҳамда олинган эмпирик маълумотлар ва изланишларда илгари сурилган ғоялар, назарий мушоҳадалар, илмий таҳлиллар, хулосалар талабаларнинг валеологик онги ривожланишининг психологик-педагогик қонуниятлари, механизмлари, мазкур жараёнда юзага келадиган муаммолар ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлашга, ўз вақтида ижобий ҳал қилишга, талаба ёшлар соғлом ҳаёт истиқболларини белгилашга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ҳамда тавсиялардан олий таълим тизими жараёнида юзага келадиган валеологик муаммоларни ечишнинг оптимал ва аҳамиятли усулларини шакллантиришда, бу борадаги долзарб масалаларни ечишга йўналтирилган психологик тренинглари ҳамда психологик маслаҳатлар ташкил этишда, олий таълим тизимида талаба-ёшларга таълим беришда, педагогик психология, ёш давлари психологияси, психогигиенага доир ўқув, илмий-услубий қўлланмалар яратишда самарали фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талаба валеологик онгининг ривожланишини ўрганишга доир олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида:

талаба-ёшлар маълум психологик саломатликка эга, аммо таълим жараёнида зиддиятлар, стрессли муҳит бўлганлиги сабабли талабаларнинг зиддиятли вазиятларга нисбатан муносабати ўрганилиб, “Хаёлларга берилиш” ва “Ижтимоий алоқалар” соҳасида устуворлик етакчилиги аниқланган ҳамда “Танага” ва “Фаолиятга йўналганлик” соҳасини кучайтирувчи валеологик омиллар асосидаги таклифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги 3-сонли буйруғи билан “Консультатив психология. Психокоррекция” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-36-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак психолог кадрларнинг валеологик онги ривожлантириш борасидаги амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Психологик хизмат. Психологик коррекция” ўқув фани доирасидаги мавзулар мазмунига валеологик ғоялар сингдирилган ва ўқув фан дастури такомиллаштирилган;



талаба шахси ҳимоя механизмлари психодиагностикасида (“Проекция”, “Ўрин алмаштириш”, “Регрессия”, “Компенсация”, “Интеллектуаллаштириш”, “Рад этиш”, “Реактив шаклланиш”) сабабий омиллари валеологик онг ривожланишининг детерминанти сифатида аниқланган бу талабаларда валеологик онг ривожланишининг педагогик-психологик хусусиятлари (когнитив, хулқий ва эмоционал жабҳаларда намоён бўлувчи) кенг қамровли феномен эканлиги ҳақидаги таклифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги 3-сонли буйруғи билан “Психогигиена” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-36-сонли маълумотномаси). Натижада шахснинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги илмий-методик тавсиялар кучайтирилган;

талаба ўз саломатлигига муносабатини мувофиқлаштирувчи руҳий, жисмоний, ижтимоий саломатлик тўғрисидаги тасаввурлар ва ижобий муносабатларини шакллантирувчи “Соғлом талабанинг психологик тимсоли” Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги 3-сонли буйруғи билан “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-36-сонли маълумотномаси). Натижада таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

талабалар валеологик онгини ривожлантирувчи – ёш, таълим, турмуш, оила ва жинсий ҳаётга оид психологик тренинглар шахснинг ижтимоий ва индивидуал психологик хусусиятлари билан интеграциялаш асосида ижтимоий ва касбий тажриба тўпланиши жараёнида такомиллашишига доир таклифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги 3-сонли буйруғи билан “Касб психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 25 мартдаги П-М-36-сонли маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологларнинг “валеологик онг”и ривожланиш динамикасига оид касбий компетенцияларини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманлар, жумладан, 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда 17 та ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шундан 1 таси Скопус тизимидаги халқаро журналда нашр этилган.



**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шу билан бирга диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда валеологик онг муаммосининг илмий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида валеологик онг ривожланишининг педагогик-психологик муаммолари ёритилган. Шунингдек, шахс соғломлик феномени назарий тадқиқ этилган, бунда шахснинг валеологик онги хориж тадқиқотчилари томонидан ўрганилган муаммо сифатида кенг очиб берилган. Мазкур бобда валеологик онг феноменининг турлари, шакллари, мотивлари, намоён бўлиш хусусиятлари, муаммога оид назарий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан саломатликнинг психологик жиҳатларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари ривожланаётганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, М.Х.Карамян (2019) шахснинг ижтимоий-психологик мослашув, мотивацион-бошқарув, гендер, коммуникатив ва ҳаёт мазмуни хусусиятлари шахснинг саломатликка ва соғлом турмуш тарзига қадриятли муносабатининг ижтимоий-психологик детерминантлари сифатида тадқиқ қилган. О.Р.Жамолдинова (2015) томонидан ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш жараёни ўрганилган.

Диссертациянинг **“Талаба шахсининг ўз саломатлигига муносабатини белгиловчи психологик омиллар”** деб номланган иккинчи бобида талаба валеологик онгининг ривожланиши хусусиятлари муаммосини тадқиқ этиш дастури, талабалар валеологик онгининг ривожланганлигини тавсифловчи психологик хусусиятлари, валеологик онгнинг ривожланганлигини белгиловчи етакчи омиллар, талаба валеологик онгининг психологик химоя механизмлари билан детерминацияси, талабалар зиддиятли вазиятларда ўз саломатлигига муносабатининг психологик хусусиятларини ўрганиш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқот иккита босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда талабаларнинг валеологик билимлари ва педагогик имкониятлари ўрганилди. Иккинчи босқичда уларнинг ўз саломатлигига муносабатлари, валеологик установкалари, тасаввурлари ва валеологик онгнинг шаклланганлик даражаси аниқланди.

Биз тадқиқотимиз давомида талабаларнинг саломатликка бўлган



муносабатини тадқиқ этиш мақсадида Дерябо ва Ясвинларнинг “Саломатликка бўлган муносабат индекси” методикасидан фойдаландик. Методиканинг илк шкаласи соғлиқни қадрият сифатида қай даражада эътироф этишларини баҳолашга мўлжалланган. Курслар кесимида саломатликнинг қадрият сифатидаги баҳолари кросстабуляцияси (ўзгарувчилар кесишмаси диаграммаси) амалга оширилганда қуйидаги натижалар аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Курслар кесимида саломатликни қадрият сифатидаги муносабатлари кросстабуляцияси (N=380)**

Курслар	Саломатлик қадрият сифатида (даражаси)		
	1-қуйи	2-ўрта	3-юқори
1-курс	1,7%	16,5%	81,8%
2-курс	0%	48,6%	51,4%
3-курс	6,1%	16,2%	77,8%

Таълим босқичига кўра, талабаларнинг саломатликка қадрият сифатида муносабатларининг фоизли ифодасига кўра, қуйи баҳолаганлар (1-курс бўйича 1,7 фоиз, 3-курсда 6,1 фоиз), ўрта даража (16,5 фоиз 1-курслар, 48,6 фоиз 2-курслар, 16,2 фоиз 3-курслар); юқори даражада деб муносабат билдирганлар (81,8% фоиз 1-курслар, 51,4 фоиз 2-курслар, 77,8 фоиз 3-курслар) кузатилди.

Методиканинг иккинчи шкаласи талабаларнинг турмуш тарзи уйғунлигини, учинчи шкаласи - талабаларни соғлиқни сақлашнинг маданий стандартлари даражасини ва тўртинчи шкаласи - соғлиқни сақлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги талабалар иштирокини ўрганишга мўлжалланган. Биз дастлабки натижаларни Студентнинг тобе гуруҳларнинг ўртачаларини қиёслаш статистик мезони бўйича ўзаро қиёслашга ҳаракат қилдик. Олинган натижалар 2-жадвалда ўз ифодасини топди.

**2-жадвал.**

**Саломатликка бўлган муносабат шкалалари қиёсий статистикаси (N=380)**

Шкалалар		М	σ	t
Жуфтлик 1	Турмуш тарзи уйғунлиги	51,01	15,90	-1,762
	Соғлиқни сақлаш стандарти	53,68	24,02	
Жуфтлик 2	Турмуш тарзи уйғунлиги	51,01	15,90	14,406***
	Тарғиботдаги иштироки	32,26	20,24	
Жуфтлик 3	Соғлиқни сақлаш стандарти	53,68	24,02	15,381***
	Тарғиботдаги иштироки	32,22	20,24	

Изоҳ: \*\*\* $p \leq 0,001$

Жадвалда берилган статистик параметрлар шуни кўрсатмоқдаки, талабаларда энг кичик қийматга эга шкала “Соғлиқни сақлаш ва соғлом



турмуш тарзини тарғиб қилишдаги талабалар иштироки”дир  $M=32,224$ ,  $\sigma = 20,240$ , турмуш тарзи уйғунлиги шкаласи  $M=51,0121$ ,  $\sigma=15,901$ , соғлиқни сақлашнинг маданий стандарти шкаласи эса,  $M=53,6828$ ,  $\sigma=24,02232$ .

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турмуш тарзи уйғунлиги ва соғлиқни сақлашнинг маданий стандарти шкалалари кўрсаткичлари статистик жихатдан аҳамиятли равишда соғлом турмуш тарғиботидаги иштироки шкаласи кўрсаткичларидан юқорироқдир ( $p=0.001$ ). Талабаларнинг “Тарғиботдаги иштироки”нинг паст кўрсаткичга эгаллиги эса, уларнинг нуқтаи назарида саломатлик ҳар бир шахснинг индивидуал юмушидир деган муносабат шаклланганлиги оқибати бўлиши мумкин.

Онг тузилмасига кўра талабалар валеологик онгида саломатликка муносабатнинг когнитив, эмоционал компонентлари шаклланган бўлса-да, аммо унинг регулятив компонентларини камол топтиришга зарурат борлигини тақозо этмоқда.

Талабаларнинг “Соғлом турмуш тарзи” тушунчасига доир “Семантик дифференциал” методикаси бўйича натижалари корреляцион таҳлилига кўра, иккита етакчи факторлар аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал.

**Талабаларнинг “Соғлом турмуш тарзи” тушунчаси антоним сифатларини баҳолашлари натижаларининг факторли таҳлили (N=380)**

Антоним сифатлар	Факторлар	
	1-фактор Омад-омадсизлик	2-фактор Апатия
ёркин-хира	0,882	
соф-искирт	0,875	
меҳрли-қаҳрли	0,859	
чиройли-хунук	0,850	
ёқимли-нохуш	0,849	
илиқ-совуқ	0,834	
жонли-жонсиз	0,812	
хурсанд-ғамгин	0,804	
ёруғ-қоронғу	0,804	
тартибли-тартибсиз	0,797	
соғлом-дардли	0,792	
аниқ-мавҳум	0,767	
англанган-онгсиз	0,741	
эҳтиросли-бепарво	0,659	
ожиз-кучли	-0,542	
мураккаб-содда		
изтиробли-роҳатбахш		-0,820
қўпол-назокатли		-0,757
тушкун-қўтаринки		-0,687
бебахт-бахтиёр	-0,506	-0,613
оғир-енгил		-0,557



**Биринчи факторда** ёркин (0,882), соф (0,875), меҳрли (0,859), чиройли (0,850), ёқимли (0,849), илиқ (0,834), жонли (0,812), хурсанд (0,804), ёруғ (0,804), тартибли (0,797), соғлом (90,792), аниқ (0,767), англаган (0,741), эҳтиросли (0,659) каби ижобий юкори вазли ва ожиз (-0,542), бебахт (-0,506) сингари салбий юкори коэффицентли хусусиятлар аниқланди. Ушбу факторнинг ижобий сифатларидан келиб чиққан ҳолатда турмушида юкори натижага эришган шахсга ҳамда салбий кўрсаткични ифодаловчи хусусиятлар эса ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган омадсизларга хослик ҳам акс этмоқда. Шунга кўра, биринчи фактор **“Омад-омадсизлик”** деб номланди.

**Иккинчи фактор.** Изтиробли (-0,820), кўпол (-0,757), тушкун (-0,687), бебахт (-0,613), оғир (-0,557) юкори юклама коэффицентга эга бўлган антоним сифатларни ўзида мужассамлаштирган иккинчи факторни ажратишга эришилди. Мазкур факторни **“Апатия”** деб номладик. Чунки талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тўлақонли таъминлай олмайдиганлар учраши кузатилмоқда. Талабаларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларидан ҳам содда экани аниқланди.

Талабаларнинг **“Носоғлом турмуш тарзи”** тушунчаси антоним сифатларини баҳолаш натижаларининг факторли таҳлиliga кўра тўртта фактор аниқланди (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Талабаларнинг “Носоғлом турмуш тарзи” тушунчаси антоним сифатларини баҳолашлари натижаларини факторли таҳлили (N=380)**

Антоним сифатлар	Факторлар			
	1-фактор Салбий туйғу, кечинма ва қиёфа	2-фактор Тизимлаш тирилмаган лик	3-фактор Пессимизм	4-фактор Салбий эмоциялар
ёркин-хира	0,830			
илиқ-совуқ	0,823			
ёқимли-нохуш	0,808			
ёруғ-қоронғу	0,801			
меҳрли-қаҳрли	0,732			
чиройли-хунук	0,722			
соғлом-дардли	0,655			
тартибли-тартибсиз		0,785		
эҳтиросли-бепарво		0,767		
аниқ-мавҳум		0,669		
англаган-онгсиз		0,634		
жонли-жонсиз	0,514	0,615		
соф-искирт	0,577	0,585		
тушкун-кўтаринки			0,749	



## 4-жадвал давоми

бебахт-бахтиёр			0,728	
ожиз-кучли			0,638	
изтиробли-роҳатбахш			0,610	0,581
кўпол-назокатли			0,580	
оғир-енгил				0,756
хурсанд-ғамгин	0,569			-0,573
мураккаб-содда				0,563

Мазкур тушунчанинг мазмунан таҳлил қилиш жараёнида факторли таҳлил натижалари антоним сифат хусусиятларининг ўрни алмашишига тўғри келади. Чунки олдинги тушунчалар таҳлилида ижобий сифатлар учун юқори юклагани коэффицентларнинг ижобий ишоралиси инobatга олинган бўлса, навбатдагисини изохлашда эса салбий хусусиятларни изохлашда ижобий ишорали коэффицентларга таянишга тўғри келади. Акс ҳолда тушунчанинг мантикий таҳлили бузилади.

**Биринчи фактор.** Фактор фақат юқори юклагани коэффицентга эга бўлган салбий хусусиятлардан иборатдир: хира (0,830), совук (0,823), нохуш (0,808), коронғу (0,801), қаҳрли (0,732), хунук (0,722), дардли (0,655), жонсиз, (0,514), искирт (0,577), ғамгин (0,569). Фактордаги хусусиятлар талабаларнинг носоғлом турмуш тарзи тушунчасига муносабатлари *“Салбий туйғу, кечинма ва қиёфа”* деб номлашга тўғри келди. Демак, талабаларнинг тасаввурига кўра носоғлом турмуш тарзи инсонга салбий таассурот уйғотувчи, рухий тушунқунлик ва қиёфани акс эттирувчи жиҳатлар орқали гавдалантирилган.

**Иккинчи фактор.** Фактордан тартибсиз (0,785), бепарво (0,767), мавҳум (0,669), онгсиз (0,634), жонсиз (0,615), искирт (0,585) каби юқори юклагани коэффицентга эга бўлган хусусиятлар ўрин олган. Талабаларнинг идрокига кўра носоғлом турмуш тарзи тушунчасини акс эттирувчи иккинчи факторни *“Тизимлаштирилмаганлик”* деб номлашга сабаб бўлди.

**Учинчи фактор.** Навбатдаги фактор тушқун (0,749), бебахт (0,728), ожиз (0,638), изтиробли (0,610), кўпол (0,580) сингари юқори юклагани коэффицентли антоним хусусиятларни акс эттирмоқда. Агар мазмунан хусусиятларни, хусусан, носоғлом турмуш тарзини ифодаловчи факторни *“Пессимизм”* деб номлаш энг мақбул вариант ҳисобланади.

**Тўртинчи фактор.** Изтиробли (0,581), оғир (0,756), мураккаб (0,563) ва хурсанд (-0,573) каби юқори юклагани коэффицентлардан иборат. Фактор мазмунан *“Салбий эмоциялар”* тарзда номлашга хос. Ушбу мазмунда талабалар носоғлом турмуш тарзини изтиробли, машаққатли ва қийин ҳамда, ўз навбатида, инсоннинг хурсандчиликларини тўсувчи хусусиятлар тарзида гавдалантирганлар.

**Талаба соғлом турмуш тарзига амал қилиш натижасида вужудга келувчи зиддиятли, ташвишли ҳолатларни реал ҳиссий-эмоционал тарзда**



идрок этиши лозим. Психологик ҳимоя механизми биринчи ҳолатда инсонни ўз-ўзини соғлом ҳис этишга, ривожланишига монелик кўрсатиши, эҳтимол.

Соғлом ва носоғлом турмуш тарзига эга бўлган гуруҳлардаги психологик ҳимоя механизмлари билан боғлиқ факторлар таҳлили, носоғлом турмуш тарзи соғлом турмуш тарзига эга бўлган гуруҳларга нисбатан икки барабар паст эканлигини кўрсатади (5-жадвал).

5-жадвал.

**Талаба валеологик онгининг психологик ҳимоя механизмлари билан детерминацияси бўйича тадқиқот натижалари (1-гуруҳ. Соғлом турмуш тарзига риоя этувчи респондентлар) (N=380)**

Ҳимоя механизмлари	Факторлар			
	1-фактор Холислик	2-фактор Эмпатия	3-фактор Когнитив лик	4-фактор Ўрнини алмаштириш
Регрессия	0,902			
Рад этиш	-0,709			0,447
Компенсация	0,707		0,613	
Реакцияни шаклланиши		0,864		
Проекция		0,853		
Сиқиб чиқариш			-0,864	
Интеллектуаллаштириш			0,698	
Ўрин алмаштириш				0,954

Биринчи фактор – 23,178% маълумотлар дисперсияси, иккинчиси – 22,717%, учинчиси – 20,814%, тўртинчиси – 16,030%ни тушунтиради.

Тадқиқот объектларига кўра шахснинг ҳимоя механизмларининг эмпирик кўрсаткичлари факторли таҳлил усули бўйича қайта ишланганда бир қатор факторлар аниқланди. Биринчи навбатда, соғлом турмуш тарзига риоя этувчи респондентларнинг ҳимоя механизмлари аниқланди. Натижада ҳимоя механизмлари бўйича қуйидаги факторлар аниқланди:

**Биринчи фактор.** Факторда регрессия (0,902), компенсация (0,707) бўйича юқори вазнли ижобий ва рад этиш (-0,709) юқори вазнли салбий қиймат билан рад этиш; мазкур ҳимоя механизмнинг моҳиятига кўра “Холислик” деб номлашга тўғри келмоқда. Соғлом турмуш тарзига эга талабалар кечинмалари билан боғлиқ муаммоларда мавжуд эски самарали усуллардан фойдаланишга ва ўзларининг имкониятлари етишмайдиган ҳолларда бошқа сифатларни ривожлантиришга эътибор қаратишлари, турмушлари билан боғлиқ бошқа кечинмалари бўлса, уни инкор этмай, балки реал ҳолатдан ўзларини олиб қочмасдан ечимини топишга интилишларидан далолат бермоқда.

**Иккинчи фактор.** Мазкур факторда реакцияни шакллантириш (0,864) ва проекция (0,853)дан иборат юқори ижобий коэффицентли ҳимоя



механизмлари мужассамлашган. Ҳимоя механизмларнинг моҳиятига кўра факторни *“Эмпатия”* деб номлаш лозим топилди. Бунга сабаб бўлган асосий ҳолат проекциянинг етилганлик шакли шахсда эмпатияни шакллантиради, унинг примитив кўриниши эса шахснинг ўз айбини бошқаларга кўчишига сабаб бўлади. Факторли таҳлиliga кўра ижобий коэффициент эса уларда соғлом турмуш тарзига мойилликлари, улар саломатлик билан боғлиқ ўзларининг ва ўзгаларнинг кечинмаларини ҳис этишга хайрихоҳликларини ифодаламакда. Шунингдек, реакциянинг шаклланиши эса ўзлари учун нохуш бўлган ҳолатларнинг тескарасига айлантиришга ҳаракат қилишларидан далолат бермоқда.

**Учинчи фактор.** Факторнинг мазмунини компенсациялаш (0,613), *“интеллектуаллаштириш”* (0,698) ижобий юқори қийматли коэффициентли ва сиқиб чиқаришдан иборат (-0,864) салбий ишорали юқори коэффициентли ҳимоя механизмлардан иборат бўлди. Мазкур факторнинг мазмунидаги дастлабки икки ҳимоя механизмлари турмуш муаммолари билан боғлиқ ҳолларда талабалар турмуш муаммолари билан боғлиқ ҳолатларни тафаккур ва фикрлаш орқали таҳдид солувчи эмоционал вазиятлардан ўзларини четга олишларини англатади. Шунинг учун мазкур факторни *“Когнитивлик”* деб номлашга сабаб бўлди. Сиқиб чиқаришнинг салбий аҳамиятга эгаллиги олдинги икки факторнинг ижобий қиймати сабаблидир. Сиқиб чиқариш ижобий бўлиши учун интеллектуаллаштириш ва компенсация ҳимоя механизм сифатида ишламаслиги керак бўлар эди.

**Тўртинчи фактор.** Рад этиш (0,447) ва ўрин алмаштириш (0,945) дан иборат ҳимоя механизмлар тўртинчи факторнинг ташкил этувчиларидир. Демак, соғлом турмуш тарзига эга бўлган талабалар ҳаётларида юз берадиган салбий кечинмалар ёки вазиятларни ижобийсига алмаштиришга хайрихоҳ эканлар. Демак, бу уларнинг ҳаётга нисбатан конструктив муносабатни шакллантира олганликлари сабаблидир. Шунинг учун ушбу факторни *“Ўрнини алмаштириш”* деб номлашга сабаб бўлди.

Таълим жараёни зиддиятли, стрессли муҳит бўлганлиги сабабли талабаларда зиддиятларга нисбатан муносабатларни тадқиқ этиш мақсадида Н.Пезешкианнинг *“Низоларнинг тўрт соҳасини ўрганиш”* тестини ўтказдик. Бунда талабалар зиддиятли вазиятларда соғлом турмуш тарзига қай тартибда риоя этишлари аниқланди. Тўпланган эмпирик натижаларни б-жадвалда умумлаштирдик. *“Хомаки”* балларни Стюдентнинг тобе гуруҳлар ўртасидаги тафовутларни аниқлашга мўлжалланган статистик мезон ёрдамида қайта ишладик.

Талабаларни зиддиятли вазиятларга нисбатан муносабати ўрганилиб, ўзаро таққосланганда етакчилик социум (алоқалар) ва фантазия (интуиция) (хос тарзда  $x=29,8731$  ва  $x=29,7766$ ) соҳаларида экани аниқланди. Мазкур соҳалар ўртасидаги тафовутлар статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда эмаслиги ҳам кўзга ташланади ( $t=0,341$ ).

Шуни эътироф этиш керакки, талабаларда *“тана”* соҳасига эътибор, қолган уч соҳага нисбатан энг кичик қийматга эгадир (*“фаолиятга”* ( $x=29.10$ ), *“танага”* ( $x=27.99$ )).



**Талабаларни зиддиятли вазиятларга нисбатан муносабатининг  
тўрт соҳаси ўртасидаги тафовутлар (N=380)**

Зиддият соҳаси		Ўртача арифметик қиймат	Стандарт оғиш	Стъюдентнинг t-мезони
1-жуфтлик	Танага	27,99	4,11257	-3,462***
	Фаолиятга	29,10	3,17674	
2-жуфтлик	Танага	27,99	4,11257	-5,813***
	Социумга	29,87	3,40904	
3-жуфтлик	Танага	27,99	4,11257	-5,496***
	Фантазияга	29,77	3,59007	
4-жуфтлик	Фаолиятга	29,10	3,17674	-2,776***
	Социумга	29,87	3,40904	
5-жуфтлик	Фаолиятга	29,10	3,17674	-2,396**
	Фантазияга	29,7766	3,59007	
6-жуфтлик	Социумга	29,8731	3,40904	0,341
	Фантазияга	29,7766	3,59007	

Изоҳ: \*\* $p \leq 0,01$ , \*\*\* $p \leq 0,001$

“Тана” ва “фаолият”га йўналганлик ўзаро таққосланганда зиддиятлардан фаолиятга киришиб кетиш статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқори экани кўзга ташланади.

Диссертациянинг “Талабаларда валеологик онгни ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари” деб номланган учинчи бобида талаба валеологик онгини ривожлантириш бўйича эмпирик ўрганишнинг умумий натижалари, талабаларда валеологик онгни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлашга оид тажриба-синов ишларининг мазмуни, натижалар таҳлили ўрин олган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган талабалик даврида валеологик онгни ривожлантирувчи мотивацион тренинг дастурларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари сифатида руҳий, жисмоний ва ижтимоий саломатликнинг интернал назорат локуси, ўз самарадорлиги, ўзини ўзи бошқариш ва коммуникатив хусусиятлари олинди. Такрорий диагностика баъзи кўрсаткичларнинг, жумладан, ўз самарадорлиги, саломатлик назорат локусининг интерналлиги ва руҳий, жисмоний ҳамда ижтимоий саломатликнинг кўрсаткичларида ўзгаришларни кўрсатди.

Талабалар валеологик онгини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижалари қуйидагича бўлди (7-жадвал).



## Талабалар валеологик онгини ривожлантириш кўрсаткичлари

Рухий саломатлик (n=116)				
Даражалар	Тажриба гуруҳи: N=60		Назорат гуруҳи: N=56	
	т/о	т/к	т/о	т/к
қуйи	30 (50,0%)	16(26,7%)	26 (46,4%)	25(44,7%)
ўрта	21 (35,0%)	27 (45,0%)	23 (41,0%)	23 (41,0%)
юқори	9 (15,0%)	17 (28,3%)	7 (12,6%)	8 (14,3%)
жами	60	60	56	56
Ижтимоий саломатлик(n=116)				
қуйи	33 (55,0%)	15(25,0%)	25 (44,6%)	24(42,9%)
ўрта	20 (33,4%)	29 (48,4%)	24 (42,9%)	23 (41,0%)
юқори	7 (11,6%)	16 (26,6%)	8 (12,5%)	9 (16,1%)
жами	60	60	56	56

Изоҳлар: т/о– тажрибадан олдин, т/к – тажрибадан кейин.

Психотренинг дастурининг татбиқий жиҳатлари ва талабалар валеологик онгини ривожлантириш бўйича эмпирик кўрсаткич натижалари “Соғлом талабанинг психологик тимсоли”ни (1-расм) ишлаб чиқиш имконини берди.


“Соғлом талабанинг психологик тимсоли” мазмунига кўра энг муҳим жиҳат талаба билан саломатлик ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи психологик жиҳатларни аниқлашдан иборат эди. Моделнинг тузилиши ва мазмунига кўра қуйидагича изоҳ бериш ўринлидир. Биринчи навбатда саломатликнинг асосий жабҳалари рухий, жисмоний ва ижтимоий саломатлик тўғрисидаги тасаввурлар ва муносабатларни шакллантириш муҳим экан. Муносабатни таркиб топтирмасдан туриб, саломатликни таъминлаш бўйича саъйи-ҳаракатларни амалга ошириш самарасиз бўлиб қолади. Саломатликка муносабат эса талабанинг когнитив (англаш), эмоционал (кечинмалар), рефлексия (қайтар алоқани ҳосил қилиш), конатив (регулятив) соҳаларини тизимлаштириш орқали эришилади.

Моделнинг когнитив жабҳасига кўра, талаба соғлиқ тўғрисида мулоҳазалаш даражасида бўлиши лозим, бунинг учун ундан саломатлигига диққат-эътиборлилик, рухий барқарорлик, меъёрий ақлий юкломани таркиб топтириши талаб этилади.

Кечинмалари нуқтаи назаридан ёки эмоционал соҳасида жисмоний соғлиқни адекват идрок этиш, организмни чиниқтириш, меъёрий жисмоний юклом билан ишлаш, барча органлар ва бутун организмнинг тўқис ишлаб турган табиий ҳолатини таъминлашдан иборат.


Рефлексияни таркиб топтиришда эса саломатлик тўғрисидаги мулоҳазаларни амалга ошириш, ўз мақсади, ҳаракатлари, қарорларини ўз ўзини англаш орқали баҳолаш, ўзини ўзи мотивлаштириш ва фаоллаштириш, ўзини ўзи мустақил назорат қилиш хусусиятларида акс этади.





**1-расм. Соғлом талабанинг психологик тимсоли.**

